МАҲАЛЛА — ХАЛҚ ВИЖДОНИ

# Mahalla

1996 йилдан чиқа бошлаган ✱ 2013 йил 7 август. Чоршанба №67 (929) ✱ www.mahallagzt.uz ✱ info@mahallagzt.uz




## НУРЛИ ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

**Мамлакатимизда ҳар йили Мустақиллик байрами тантаналарининг муайян бир ғоя, эзгу ҳаракат остида нишонланиши ўзига хос анъанага айланиб улгурган. Истиқлолимизнинг айни пайтдаги 22 йиллиги «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида кенг тантана қилинаётгани бежиз эмас.**

Тўғри, йигирма икки йил тарих олдида жуда қисқа вақт бўлиб туюлиши мумкин, аммо инсон ҳаётида бу муддат ниҳоятда салмоқли даврни ташкил этади. Шу боис байрам тантаналари арафасида ҳар бир киши истиқлолнинг ўз тақдиридаги ўрни, эришган ютуқларини мушоҳада этади. Атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, иқтисодий бўҳронлар, қирғинбарот жанглар, «оммавий маданият»нинг салбий таъсирларига теран нигоҳ билан назар ташлаб, уларни юртимиздаги тинч-осойишта муҳит, улкан бунёдкорлик ишлари билан муқояса қилади ҳамда шу замин, шу тупроқ, шу эркин ва обод Ватанда яшаётганлигидан бахтиёрлик туйғуларини ҳис этади. Орзу ва интилишлари қадр топган, келажагини яратиш учун барча шарт-шароитлар ҳозирланган жамиятда умргузаронлик қилаётганлигига шукрона айтади.

Шу нуқтаи назардан қараганда Истиқлол менинг, оилам ва маҳалладошларим ҳаётида ҳам бениҳоя салмоқли аҳамият касб этганлигини алоҳида таъкидламоқчиман.

Ёдимда, болалигимда қишлоғимизда фақат дўкон сотувчисидагина енгил машина бўлар, бирор маҳалладошимиз оғриб қолганда туман марказидаги шифохонага элтиш учун унга мурожаат этишга тўғри келарди. Бугун-чи, 17,5 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилаётган йиғинимиздаги деярли ҳар бир хонадонда автомобиль мавжуд, бошқа қулайликлар ҳам етарли. Қолаверса, ҳудудимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган 5 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда.

> [2]

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

## АМУДАРЁ ҚИШЛОҚЛАРИ КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ

**Ҳунарманднинг иши эъзоз топса унинг рўзғори бут, кўнгли хотиржам бўлади, ўзгаларнинг оғирини енгил қилади, эл-улусга нафи тегади. Буни энг чекка овуллар, қишлоғу маҳаллалар гузарларида аҳолига ҳар томонлама қулайликлар яратаётган ҳунарманду тадбиркорлар мисолида кўриш мумкин.**

Қорақалпоғистоннинг Амударё тумани сервис соҳаси жадал ривожланаётган, кўрсатилаётган хизматлар сифати ва кўлами жиҳатидан тобора юксалаётган ҳудудлардан бири. Қулай тадбиркорлик муҳити ва бошқа омиллар туман овул ва маҳаллаларида янгидан-янги хизмат турлари йўлга қўйилишига, аҳоли турмуш тарзига қулайлик ва янгиликлар кириб келишига омил бўлаётгани қувонарли.

— 2013-2015 йилларга мўлжалланган туманни комплекс ривожлантириш дастурида аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Амударё тумани бўлинмаси раиси Рустам Рўзметов. — Дастурга асосан жорий йилда жами 68 та хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари ташкил қилиш, хизматлар ҳажмини 99,6 млрд. сўмга етказиш назарда тутилган. Ушбу устувор вазифаларни адо этишда бўлинмамиз томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида биргина хизмат кўрсатиш объектларининг ишга тушиши натижасида овул ва маҳаллаларда 24 та янги иш ўринлари яратилди.

> [3]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ




Н.ҲАЙДАРОВ олган сурат.

## БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

**Юртимизда маҳалла институти асрлар давомида шаклланган бўлса-да, айнан истиқлол боис бугун тараққиётнинг янги босқичига чиқди. Хусусан, кейинги йилларда соҳага берилаётган эътибор, тизим ходимларини қўллаб-қувватлаш ва фаолиятини такомиллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар, қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар маҳаллани фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамламоқда.**

Ўтказилаётган танловлар эса бу борада тўпланган тажрибаларни кенг оммалаштиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Хабарингиз бор, мазкур танловнинг туман (шаҳар) босқичлари жорий йилнинг июнь-июль ойларида ўтказилганди. Яқинда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари якунланди.

Таъкидлаш жоизки, танловнинг бу йилги ҳудудий босқичлари иштирокчиларга кўтаринкилик ва фаоллик бағишлади. Боиси, Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 24 июль куни қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига асосан маҳалла тизимида фаолият юритаётган бир гуруҳ фаолларнинг давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани юртимиздаги барча маҳалла институти вакилларини руҳлантириб юборди.

> [2]

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

## АҲОЛИ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

**Қарши шаҳридаги баъзи маҳаллаларнинг ички кўчалари таъмирталаб ҳолда эди. Ҳашар йўли билан носоз жойлар ҳар йили таъмирлаб турилишига қарамай, ҳеч камчилиги тугамасди. Охири маҳалла фаоллари муаммони қоғозга тушириб, ҳудудларидан сайланган депутатга мурожаат қилишди.**

Халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгашига 28-Махтумқули сайлов округидан сайланган депутат Дилшод Каромов ўз фаолияти давомида аҳолининг манфаатлари билан боғлиқ масалаларни шаҳар сессияларида муҳокамага қўйиб, сайловчиларининг ишончини қозонган. Эндиликда сайловчилар ўзлари ҳал қилишга қурби етмайдиган муаммолар юзасидан депутат билан бамаслаҳат иш тутишади.

Бу гал ҳам шундай бўлди: «Қарши», «Темирйўлчи», Махтумқули номидаги маҳаллалар аҳлининг мурожаатлари депутат томонидан ўрганиб чиқилиб, халқ депутатлари Қарши шаҳар Кенгаши сессиясида ана шу ҳудудларнинг ички кўчаларини таъмирлаш масаласи ўртага ташланди. Асосли таклиф инобатга олиниб, «Қарши», «Темирйўлчи», Махтумқули номидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг ички кўчалари «2013-2014-йилларда Қарши шаҳрини ривожлантириш Дастури»га киритилди.

> [2]

МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА КИМЛАР ИШЛАЙДИ?

## ЮКСАК МУКОФОТ — УЛКАН ЮТУҚЛАРГА РАҒБАТ

**Шовот туманидаги «Арбоблар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Ойкарам Ёқубованинг Президентимиз фармонига кўра «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани ҳақидаги хабар нафақат маҳалла аҳлини, балки бутун тумандагиларни ҳам чексиз қувонтирди.**

Боиси, бир неча йиллик тажриба эга бу аёлни фаол, ўз ишининг фидойиси сифатида шовотликлар яхши танишади, ҳурмат қилишади.

Ойкарам асли касби руҳшунос бўлганиданми, одамларнинг феъл-атворини яхши билади. Каттаю кичикнинг юрагига йўл топишга интилади ва бунга эришмоқда. Унинг маҳаллада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишлари ибратга арзигулик. Айниқса, йиғин қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия аъзолари билан биргаликда олиб бораётган фаолияти самарали бўлмоқда.

— Ойкарам Ёқубова билан биргаликда аёллар манфаатлари йўлида кўплаб тадбирлар ўтказиб келамиз, — дейди маҳалла ҳудудида жойлашган қишлоқ врачлик пункти мудираси Райҳоной Бобожонова. — Хусусан, жорий йил давомида «Соғлом она — соғлом келажак», «Эрта никоҳ — умр заволи», «Қариндошлар билан қуда бўлишнинг салбий оқибатлари», «Озодалик — саломатлик гарови» каби мавзуларда кўплаб суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, йиғин қошидаги Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия ташаббуси билан маҳалладаги аёлларни спортга жалб этиш борасида талай ишлар амалга оширилди. Натижада, ҳар бир хонадонда спортнинг у ёки бу тури билан шуғулланаётган опа-сингилларимиз кўпаймоқда. Маҳалланинг спортчи қизлари эса, мана бир неча йилдирки, вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда ғолиб бўлиб келишмоқда. Айниқса, Д.Қиличова, О.Янгибоеванинг волейбол бўйича вилоят терма жамоасига қабул қилиниши, Б.Сафоёзова, З.Жуманиёзова, М.Раҳимова, З.Дўстжонова, Д.Жуманиёзова спортнинг енгил атлетика, шахмат-шашка, теннис турлари бўйича муваффақиятларга эришаётгани эътиборга лойиқ. Яқинда маҳалланинг яна бир вакиласи — Муяссар Иброҳимова енгил атлетика бўйича Лондонда ўтказилган Халқаро мусобақада ғолибликни қўлга киритди.

— Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия аъзолари шароитимизни ўрганиб, менга касаначилик асосида ишлаш имкониятини яратиб беришди, — дейди маҳалла тадбиркорларидан Зулфия Эгамова. — Бир мен эмас, маҳалламиздаги ўттиздан ошиқ аёл ана шундай йўл билан оила бюджетига наф келтирмоқдамиз.

Бу йил коллежларни тугаллаган йигирма нафар йигит-қиз янги иш бошлаган «Ўзтекс-Шовот» қўшма корхонасига ва кўплаб хусусий корхоналарга ишга жойлашдилар. Шунингдек, Ойсара Отабоева бошқараётган «Ораста қизлар» тўгараги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Бунда ҳам маслаҳатчи Ойкарам Ёқубованинг ҳиссаси бор, албатта. Тўгаракда «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан...», «Турмушга тайёрмисиз?» каби мавзуларда танловлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказилади. Мазкур тўгаракка қатнашаётган Мафтуна Норматова, Лобар Отажоновалар вилоят миқёсида ўтказилган турли танловларда ғолиб бўлишди.

Комиссия томонидан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган тўққиз нафар аёлга банкдан имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди. Йиғинда «Китобхон оила», «Ибратли оила», «Энг намунали хонадон», «Эпли келин — сепли келин» каби кўрик-танловлар ўтказиш одат тусига кирган.

— Шу кунларда маҳалламиздан меҳмон аримай қолди, — дейди Ойкарам Ёқубова биз билан суҳбатда. — Барча Президентимизнинг юксак эътирофлари билан муборакбод этмоқда. Албатта, бундай муносабат одамни руҳлантириб, янги ютуқлар сари чорлайди. Шу боис маслаҳатчи сифатидаги фаолиятимни янада кучайтириб, юксак мукофотга муносиб бўлишга интилмоқдаман. Камтарона меҳнатимнинг юксак мукофоти бундан буён маҳалла фаоллари, жамоатчилик комиссиялари билан биргаликда зиммамиздаги залворли масъулиятни шараф билан уддалашга рағбат ва куч беради.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»



## ЮРТИНГ ОБОД — ДИЛИНГ ОБОД

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

*Энг улуғ, энг азиз байрамимизга тўёна сифатида кўплаб янги бино ва иншоотларнинг қурилиб, фойдаланишга топширилиши мамлакатимизда эзгу анъанага айланган. Сўзимиз исботини Каттақўрғон шаҳри мисолида ҳам кўриш мумкин. Қутлуғ айём муносабати билан ободонлаштириш борасидаги ишлар кўлами янада кенгайиб, шаҳримиз кун сайин гўзаллашиб бормоқда.*

*«Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари асосида Мели Раззоқов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини учун муҳташам бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.*

*Шунингдек, «Дўстлик», «Ермачит» маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари капитал таъмирланиб, замон талабларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилди.*

*Бундан ташқари, «Ҳожиқурбон» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар бир ходимга алоҳида хоналар ажратилиб, ҳомийлар кўмагидан фойдаланган ҳолда, таъмирлаш ишлари олиб борилди.*

*Кўча, хиёбон ва майдонларда ўтказилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида маҳалла аҳлининг ҳам фаол иштирок этаётгани эътиборга молик. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ҳудудлар 24 тоннадан зиёд маиший чиқиндилардан тозаланди.*

*Байрам арафасида амалга оширилаётган чора-тадбирларда халқимизга хос яна бир қадрият — кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олишдек савобли амаллар ҳам давом эттирилмоқда.*

*Жумладан, ҳудудимиздаги 5 нафар кам таъминланган оила аъзосига соғлигини тиклаши учун сиҳатгоҳларга йўлланма олиб берилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида шаҳардаги маҳаллаларда яшовчи 10 дан ортиқ эҳтиёжманд оиланинг никоҳ ва суннат тўйларини ўтказишга ёрдамлашилди. Хонадон соҳибларига «Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси ва ҳомийлар томонидан қимматбаҳо совғалар улашилди.*

*Бир сўз билан айтганда, қутлуғ санани муносиб кутиб олиш борасидаги ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Яратувчанлик иштиёқидаги ҳамшаҳарларимиз эса ушбу чора-тадбирларда муносиб иштирок этишмоқда.*

Азимжон ЮСУПОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Каттақўрғон шаҳар бўлинмаси раиси.

МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

## Аёл гўзаллиги оламни безар



Яқинда ўтказилган «Фуқаролар йиғинининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» танловининг республика босқичида Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Чинор» маҳалласининг маслаҳатчиси Малика Солижонова «Оилаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича тарғибот ишларидаги фаоллиги учун» номинацияси бўйича тақдирланди.

Малика Солижонованинг маҳаллада миллий қадриятларимизни сақлаш ҳамда «Обод турмуш» ғоясини кенг тарғиб этиш борасида ўзига хос тажрибаси бор.

> [4]

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

# БИЛИМ, ТАЖРИБА ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ



Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Дарҳақиқат, кейинги йилларда маҳалланинг ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш борасидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланди. У «Обод турмуш» деган ғоянинг ижтимоий ҳаётдаги амалий ифодасини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ана шундай кенг қамровли ишларни янада ривожлантириш ва муносиб тақдирлаш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танлови Низомига ўзгартишлар киритилиб, такомиллаштирилди. Натижада бу йилги танловнинг аҳамияти янада юксалди.

Буни **Самарқанд** вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жорий йилнинг июнь ойида танловнинг шаҳар ва туманлар босқичлари ўтказилган бўлиб, уларда 171 та фуқаролар йиғини иштирок этди. Бу ўтган йилгидан бирмунча кўпдир. Танловнинг вилоят босқичи Самарқанд шаҳридаги муҳташам «Концерт зали»да бўлиб ўтди.

Танлов Низомининг биринчи шартига кўра, иштирокчиларнинг иш юритиш ҳужжатлари ҳамда фаолиятига оид кўрсаткичлар, эришган ютуқлари икки кун аввал ҳакамлар ҳайъати томонидан ўрганилиб, баҳоланди ва натижалари ҳақидаги маълумот махсус қутига солиниб, муҳрланди.

Иккинчи шарт бўйича туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 16 та фуқаролар йиғини ходимлари қонун ҳужжатларида ва Низомларда белгиланган вазифалар ижросини ўз ҳудудларида таъминлаш юзасидан амалга ошираётган ишлари ҳақида тақдимот ўтказдилар. Бунда фуқаролар йиғини раиси, котиби, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори белгиланган вақт ичида ўз фаолиятлари ҳақида маълумот бердилар.

Тақдимотда фуқаролар йиғини ҳудудида кейинги уч йил давомида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ва кўрсаткичлар таҳлили ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, танлов шартларига кўра, қатнашчилар янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар мазмун-моҳияти ҳамда уларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳақида ҳам атрофлича тўхталдилар.

— Бу галги танлов аввалгиларидан ўзининг бирмунча такомиллашгани билан фарқ қилди, — дейди Қўшработ туманидаги «Хонназар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуд Тўхтаров. — Маҳалламиз 1997 йили ташкил этилган. Бу ерда 670 оилада 3 минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирда 17 та оила тадбиркорликни, 6 таси касаначилик ва ҳунармандчиликни фаол йўлга қўйган. 12 та оила вакиллари эса турли йўналишда фермер хўжаликлари ташкил этган. Йиғин қошидаги 8 та жамоатчилик комиссияси фаолияти кўнгилдагидай. Танловда маҳалламиз ҳаётини янада кенгроқ очиб бериш учун видеороликлардан ҳам фойдаландик.

Учинчи шарт давомида иштирокчилар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан тайёрланган, фуқаролар йиғинлари ходимлари иш фаолиятига оид ва кундалик ҳаётда учраб турадиган 2 тадан саволга жавоб қайтардилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари, дунёқараши, ҳозиржавоблиги, тез фикрлаши ва соҳасини қай даражада билиши ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов Низомига киритилган ўзгартишлар асосида баҳоланди.

Умумий натижаларга кўра, Самарқанд шаҳридаги «Мароқанд» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Пайариқ тумани Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди. Ургут туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини эса 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, турли номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Танловнинг **Андижон** вилояти ҳудудий босқичларида 800 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинининг турли йўналишлардаги фаолияти чуқур ўрганилди. Йиғинларнинг илғор иш тажрибаси, маънавий-маърифий соҳадаги ютуқлари, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларга кўмак бериш, ёшлар тарбияси, болалар ва хотин-қизлар саломатлигини асраш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасидаги фаолияти атрофлича таҳлил этилди. Танловнинг Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги театрда бўлиб ўтган вилоят босқичида 17 та шаҳар ва туманлардан келган ғолиблар ўзаро баҳслашдилар.

Умумий ҳисоб-китобларга кўра, Жалақудуқ туманидаги «Қуртқи» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи ўринга муносиб кўрилди. Қорасув шаҳридаги Бўрибой Аҳмедов номидаги маҳалла иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Пахтаобод туманидаги «Кўктўнлик» маҳалла фуқаролар йиғинига учинчи ўрин насиб этди.

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги **Қашқадарё** вилоят театрида шаҳар ва туманлардан келган 14 та фуқаролар йиғини дастлаб ўз кўргазмаларини намойиш этдилар.

— Маҳалламизда хотин-қизларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратганмиз, — дейди Нишон туманидаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гулсум Хуррамова. — Бугунги кунда тикувчилик, гиламчилик, тўнчиликка йўналтирилган 17 нафар касаначи аёлларимиз фаолият кўрсатяпти. Тадбиркор Ўктам Холиқовга имтиёзли кредит олиб, тикувчилик цехини очишда кўмаклашдик. Натижада 15 та янги иш ўрни яратилди.

Қизғин савол-жавобларга бой бўлган танлов якунига кўра Нишон туманидаги «Кимёгар» маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Ғузор туманидаги Зарбдор қишлоқ фуқаролар йиғини иккинчи ҳамда Қамаши туманидаги «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғини учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Гулистон шаҳрида жойлашган Олим Хўжаев номидаги драма театрида танловнинг **Сирдарё** вилояти босқичи ташкил этилди.

Унда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги Тафтиш комиссияси, шунингдек, асосий фаолият йўналишлари бўйича Яраштириш, Маърифат ва маънавият масалалари бўйича, Хотин-қизлар билан ишлаш, Ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, Экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари ҳамда Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялар фаолиятининг самарали ташкил этилганлигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, маҳалла фаолларининг сиёсий ва ҳуқуқий савияси, мураккаб вазиятларда оқилона қарорлар қабул қилиш борасидаги амалий кўникмалари инобатга олинди.

Баҳс-мунозараларга бой ўтган беллашувда Оқолтин туманидаги Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини биринчи, Ховос туманидаги «Чаманзор» маҳалла фуқаролар йиғини иккинчи ва Боёвут туманидаги «Бека» маҳалла фуқаролар йиғини учинчи ўринга лойиқ кўрилди.

— Қадриятлар бешиги ҳисобланган маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, иш ўринлари ташкил этиш, осойишталикни сақлаш, миллий қадрият ва урф-одатларни тиклаш ҳамда ривожлантиришдаги ўрни беқиёс, — дейди танлов ғолиби, Ғафур Ғулом номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдулла Пардаев. — Мазкур танловда ғолиб бўлганимиз ўзимизга нисбатан ишонч ва масъулият ҳиссини янада оширди.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида юқоридаги шартлар асосида «Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари» танловининг **Тошкент** шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманларда биринчи ўринни қўлга киритган 11 та фуқаролар йиғини ўзаро беллашди.

Тадбирда танловнинг шаҳар ташкилий қўмитаси аъзолари, шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳудудий тузилмалари раҳбарлари, шунингдек, пойтахтнинг барча туманларидан 500 дан ортиқ маҳалла фаоллари иштирок этди.

Танлов иштирокчилари ва йиғин фаоллари жамиятда маҳалла институтининг нуфузини янада ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий қадриятларни кенг тарғиб қилиш, «Обод турмуш» ғоясининг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий шериклик муносабатларини кенгайтириш масалалари бўйича ўзаро тажриба алмашдилар.

Нуфузли ҳакамлар ҳайъатининг умумий натижаларига кўра, биринчи ўрин Олмазор туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғинига насиб этди. Шайхонтоҳур туманидаги «Шофайзи» маҳалласи вакиллари иккинчи ўринга, Ҳамза туманидаги «Беҳизор» маҳалласи эса учинчи ўринга лойиқ топилди.

Танловнинг ҳудудий босқичлари якунида юқори ўринларни қўлга киритган ғолиблар махсус диплом ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлимлари бошқарувининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Таниқли санъаткорларнинг мусиқий чиқишлари танловга байрамона руҳ бағишлади.

Мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

# НУРЛИ ҲАЁТ ШУКРОНАСИ

< [1]

Ҳа, истиқлол халқимиз ҳаёти, тақдирига ана шундай мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиланишлар олиб кирди. Ҳар куни иш юзасидан йиғиндаги хонадонларни айланарканман, ўша — бундан камида чорак асрча илгариги ҳолат билан бугунги қишлоғимиз манзараларини қиёслаш орқали бунга янада кўпроқ амин бўла бошлайман. Тўғри-да, илгарилари пахсаю хом ғиштдан тикланган пастак-пастак кулбаларда яшаган аҳолимиз, бугун миллий ва замонавий меъморчилик анъаналарини уйғунлаштирган бир-биридан шинам ва кўркам хонадонларда истиқомат қилишяпти. Юртбошимиз ташаббуслари билан шаҳар шароитларидан қолишмайдиган намунавий уй-жойлар бунёд этилиб, имтиёзли кредитлар эвазига эгаларига топширилмоқда. Ана шундай уйлардан 11 таси бизнинг йиғинимиз ҳудудида ҳам барпо этилди. Қишда лой, ёзда чангга айланадиган кўчаларимиз бир-биридан равон асфальт йўлларга, ариқдан олиб, тинитиб ичадиган сувларимиз қувурлардан оқаётган зилол оби ҳаётга айланди. Қишлоқ аёллари ҳам таомни газда пиширишлари, тунда электр ёруғида болаларининг дарсларига ёрдамлашиши мумкин.

Кечагина шаҳардаги олий ўқув юртида таҳсил олаётган фарзандига бирор тезроқ хабарни етказиш учун туман марказидаги телефон станциясида соатлаб овора бўлган кишилар эндиликда ўз қўл телефонлари-ю интернет тармоғи орқали жаҳоннинг исталган нуқтаси билан онлайн алоқа ўрнатишмоқда. Албатта, бу каби сўзларимни бугунги авлод вакиллари ўқиганда у қадар ишонмасликлари мумкин. Аммо яқин-яқингача олис чўл ҳудуди сифатида қаралган «Варахша» қишлоқ фуқаролар йиғини айни мустақиллик йилларидагина тараққиёт, фаровон ва обод турмуш нималигини англади. Қувонарлиси шундаки, мустақиллик халқимизнинг нафақат турмуш тарзи, балки тафаккури, онги, дунёқарашининг кенгайишига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Юртимиз ҳурликка эришган илк йилларда ўша пайтда мавжуд бўлган жамоа хўжалигида масъул лавозимда ишлаганим боис, хизмат хонам ёрдам сўраб келган, кам таъминланган оилалар вакилларидан бўшамас эди. Ўшанда уларга юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланишлари, томорқа ёки бошқа йўналишда меҳнат қилиб, ўз оилавий шароитини яхшилаш борасида маслаҳатлар берарканмиз, суҳбатдошимизнинг чеҳрасидаги ўзига ишончсизлик, мулкдорликдан хавфсираш белгиларини кузатардик. Бугун эса ана шу инсонларнинг ўзлари янгидан-янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этишмоқда. Биргина мисол. Агар ўтган асрнинг 80-йилларида йиғин аҳолисининг 14 фоизи бюджет ташкилотлари, 86 фоизи эса арзимас маош эвазига жамоа хўжалигида фаолият юритган бўлса, бугун бевосита хусусий тадбиркорлик йўли билан ташкил этилган 12 та саноат, 60 га яқин маиший хизмат кўрсатиш тармоғида 65 фоизга яқин аҳоли меҳнат қиляпти.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, нафақат йиғин, балки ўз шахсий ҳаётимда ҳам ана шу эркин ва обод Ватанда яшаш шукронасини ҳис қилиб турибман. Бир аёл жаннатмонанд диёрда нимагаки эришиши мумкин бўлса, барчасига эришдим. Шу юртда қадр-эътибор топдим, тўққиз миллат истиқомат қилаётган ҳудудда мана, 15 йилдирки раисалик қилиб келяпман. Бир неча бор халқ депутатлари туман ҳамда вилоят Кенгашлари депутатлигига сайландим. Ҳозир ҳам вилоят Кенгаши депутатиман. Айниқса, 2009 йилда айнан Мустақиллик байрами арафасида Юртбошимизнинг фармонлари асосида «Дўстлик» ордени билан тақдирланганим ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

Бу мукофот билан тақдирланганимда шу муқаддас тупроқ, шу қутлуғ заминда яшаётганимдан, унинг бир бўлагига айланганимдан, унда ўз қадр-қимматимни топганимдан, суйиб суяйдиган, ҳамиша мени ўз ҳимоясида сақлайдиган мустаҳкам таянчим — мустақил Ўзбекистоним борлигидан яна бир бор фахр ва ифтихор туйғуларини ҳис қилдим.

Сарсенгул ЖАМАНЧАЕВА,
Пешку туманидаги «Варахша» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.



ЎзА сурати.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

# АҲОЛИ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНИШ — КАТТА МАСЪУЛИЯТ

< [1]

Шунингдек, аҳоли мурожаати асосида депутат «Қарши» маҳалласидан Еркўрғон деҳқон бозорига қатновчи автобус йўналишини йўлга қўйиш бўйича Қарши шаҳар ҳокимлигига депутатлик сўрови билан чиқди. Шу вақтга қадар бу маҳаллага йўналишли автоулов қўйилмагани аҳолига, айниқса, ўқувчи-талабалар ва кексаларга анча қийинчилик туғдираётганди.

Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳамда шаҳар автотранспорт бошқармаси томонидан бу масала ўрганиб чиқилиб, депутат сўрови ижобий ҳал этилди.

— Уч нафар фарзандимнинг бири шаҳардаги Нуристон академик лицейига, иккинчиси Қарши саноат касб-ҳунар коллежига, учинчиси Қарши муҳандислик институтига пиёда қатнаб ўқигани боис уйга кеч қайтарди, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Олим Шаропов. — Янги йўналиш очилиб, автоулов қатнови амалга оширилаётгани фарзандларимиз ва ўзимиз учун катта қулайлик туғдирди. Бу қулайлик, айниқса, ёзнинг жазирама, қишнинг қаҳратон кунларида қўл келади, йўловчиларнинг соғлиғини асрайди, вақтини тежайди.

Ҳафтанинг ҳар жума куни маҳалла фуқаролар йиғинларида депутат қабули ташкил қилинади. Ўз мурожаатлари билан келган фуқароларнинг бирортаси норози бўлиб кетган эмас. У йиғин раиси билан маслаҳатлашиб, аҳолига моддий кўмак берилиши, даволаниш учун йўлланмалар, имтиёзли кредитлар ажратилишида ёрдам кўрсатиб келаётир.

Маҳалла аҳлининг таклифи ҳамда депутатнинг саъй-ҳаракатлари билан ҳудуддаги фойдаланилмаётган эски бозорча ўрни тадбиркорларга фаолият юритишлари учун берилди. У ерда 10 дан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу нафақат маҳалла кўркига кўрк қўшди, балки 20 га яқин фуқаронинг бандлигини ҳам таъминлади.

— Аҳолининг ишончини қозониш — катта масъулият. Улар бизни ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришга ундайди, — дейди депутат Дилшод Каромов. — Йиғин аҳли хайрли таклифлари, ҳақли талаблари билан маҳалла ободлиги, эл фаровонлиги учун жон койитади. Бу фидойиликлар натижасида кўплаб хайрли ишларга қўл уриляпти. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз аҳоли билан ҳокимиятни боғловчи, эзгу ишларни амалга оширувчи восита. Илгарилари электр энергия, табиий газ, ичимлик суви таъминоти бўйича жуда кўп мурожаатлар бўларди. Аҳоли орасида кўплаб тушунтириш ишларининг амалга оширилиши натижасида фуқароларимиз қарздорликни қанча тез узса, таъминот шунча яхши бўлишига ишонди. Натижада бу борадаги муаммолар ўз-ўзидан барҳам топди.

Депутат ва йиғин фаоллари ташаббуси билан мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйига туҳфа сифатида Махтумқули номидаги фуқаролар йиғинида жойлашган кўпқаватли уйлар ўртасида замонавий спорт майдончаси қурилаётир. Бу анъана «Қарши» ҳамда «Темирйўлчи» маҳаллаларида ҳам давом эттирилади.

Хуллас, ҳудудда депутат бошчилигида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Унинг қўллаб-қувватлаши натижасида кўплаб ишбилармонлар янги корхоналар очди, маҳсулотлар ҳажми ортди, аҳолига қўшимча қулайликлар яратилди.

Санобар БОЙМУРОДОВА
«Mahalla»

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

# ОШКОРАЛИК ВА АДОЛАТЛИЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралида қабул қилинган «Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 44-сонли қарори дастуриламал бўлётир.**

Сирдарё вилоятидаги фуқаролар йиғинларида ҳам моддий ёрдам, вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақа, ишламаётган ва бюджет соҳасида ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш бўйича ойлик нафақа тайинлаш ҳамда тўлаш ишлари ана шу ҳуқуқий асос воситасида амалга оширилмоқда.

Қарорда кам таъминланган оилалар эндиликда нафақанинг фақат бир турини олиши белгилаб қўйилган. Бу кишиларни боқимандалик кайфиятидан халос этиб, уларни ҳаракатчанликка ундайди. Қолаверса, аниқ асос ва тартибларнинг мавжудлиги йиғин ҳузуридаги Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияга қатор енгилликларни туғдирмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сирдарё вилоят бўлими мутасаддилари томонидан вилоятдаги фуқаролар йиғинлари фаоллари ўртасида тушунтириш олиб борилиши натижасида ижтимоий нафақалар тайинлашдаги чалкашликларга барҳам берилмоқда. Илгари оила даромадлари шубҳали туюлган тақдирдагина мониторинг қилинган бўлса, эндиликда ариза берган ҳар бир фуқаронинг оилавий даромадлари текширилиб, йиғин кенгашига тақдим этилади. Масалан, ариза берган фуқаронинг даромадини ҳисоблашда оила аъзоларининг сони, ишлайдиганларнинг иш ҳақи ва ишламайдиган оила аъзоларининг ўртача ойлик даромадлари ҳисобланиб, оила таркибига киритиладиган хонадон аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади. Юзага келган маблағ кам таъминланган оила мезонига тўғри келганда нафақа ёки моддий ёрдам тайинланади.

Фонд мутасаддилари йиғин фаоллари ва аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини ўтказиш мақсадида ҳудуддаги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси, Молия бўлими ва Солиқ инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда туман ва шаҳарларда 100 га яқин ўқув-семинар машғулотлари ўтказишди.

Олиб борилаётган тушунтириш тадбирлари натижасида жойлардаги фуқаролар йиғини ҳузурида фаолият юритаётган Ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссияларда кам таъминланган оилаларга ёрдам қўлини чўзиш чора-тадбирларини амалга ошириш тизими анча такомиллаштирилиб, чалкашликларга барҳам берилаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида Сирдарё вилоятидаги 352 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига 15159 та оила нафақа ва моддий ёрдам сўраб, ариза билан мурожаат қилган бўлса, шундан 10648 тасига 11.2 млрд. сўмлик нафақа ва моддий ёрдам пуллари тайинланган. 4511 та ариза даромадлар миқдорида мезондан ошиш сабабли ўрганиш чоғида рад этилган.

Янги ҳуқуқий асосларнинг мана шу каби камчиликларга чек қўяётгани кишини қувонтиради. Чинакам эҳтиёжманд оилалар, етим болалар, ёлғиз кексалар ва жисмоний имконияти чекланганларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларининг янада такомиллаштирилиши, уларга қўшимча қулайлик яратилишига замин бўлиши шубҳасиз.

Алишер ИКМАТОВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сирдарё вилояти бўлими масъул котиби.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОН

# АМУДАРЁ ҚИШЛОҚЛАРИ КЎРКАМ ВА ЗАМОНАВИЙ




< [1]

Туманнинг Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида бу борада эришилган ютуқлар талайгина. Йиғиннинг 18 та кўчасидаги ободлик ва орасталик, кишиларнинг шаҳар шароитидан қолишмайдиган турмуш тарзига ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Айниқса, мамлакатимиздаги қулай сармоявий муҳит, тадбиркорликка кенг йўл очилгани, ҳудудлар инфратузилмасини тубдан ривожлантиришга оид саъй-ҳаракатлар амударёликларни ҳам ғайратга ундаб, маҳаллада турли йўналишлардаги хизмат кўрсатиш тармоқларининг самарали ташкил этилишига туртки берди.

Холбой Бобожоновнинг кийимларни кимёвий усулда тозалашга мўлжалланган корхонаси маҳалла аҳлини Нукусга бориб-келишдек заҳматдан қутқарди. Бу ерда қишки кийимлар, қалин матоли буюмлар, пальто, чарм уст-бошларни тозалаш ҳамёнбоп нархларда амалга оширилади. Кеча-кундуз фаолият юритаётган 4 та автотеххизмат шохобчаси ходимлари маҳалла уловларининг «дардини аритиш», мой алмаштириш, ювиш ва пардозлаш каби хизматлари билан яхши маънода ўзаро самимий рақобат ўрнатишган. Бу эса автомашиналарнинг сифатли таъмирланиши билан бирга хизмат тан-нархларининг барқарорлигини ҳам таъминламоқда.

Азалдан тикувчиларга эҳтиёж катта. Айниқса, у ўз ишини севса, тасаввурлари бой, иштиёқи кучли бўлса, янаям ошиғи олчи. Алишер Абдуллаев билан Муроджон Эшмановнинг «қўлидан ўтган» либосларни Қорақалпоғистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам учратасиз. Чунки бу йигитлар қайчи ушлашдан тортиб, игнага ип ўтказишгача, тугма қадашдан тортиб, чокларни бирлаштиришгача меҳр ва ҳафсала билан меҳнат қилишади. Шу боис улар тайёрлаган костюм-шимлар, пальто-плаш, курткалардан ҳеч ким нуқсон топа олмайди, мижозлар сони эса ортаверади.

Дарвоқе, маҳаллада хотин-қизларга эътибор ҳам ҳавасга арзирли. Давлатимиз раҳбари «оилалар чароғбони» бўлган опа-сингилларимизга қулай яшаш шароитларини яратиш, меҳнат жараёнларини енгиллаштириш ҳақида доим куюниб гапирадилар. Бу ердаги биргина мисол — маҳаллада 7 та гўзаллик салони аёллар ихтиёридалиги хотин-қизларга қай даражада эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётганидан дарак беради.

Қорақалпоғистон ҳақида гап кетганда, аввало, минтақадаги айрим экологик муаммолар, ичимлик сувининг шўрланиши билан боғлиқ ташвишлар ўз-ўзидан ёдга тушади. Шу маънода 4800 га яқин маҳалла аҳолисининг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қай даражада қондирилаётгани бизни қизиқтирди.

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида туманимизда янги дастур лойиҳаси ишлаб чиқилиб, шу асосда жорий йили Ваҳум — Тақир қалъа — Бўзсув — Чойкўл овуллари бўйлаб 7,7 километр узунликда тоза ичимлик суви қувурлари тортилмоқда, — дейди Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Пўлат Саидов. — Бизнинг ҳудудимиздаги ҳар бир хонадонга тоза ичимлик суви қувурлари кириб борганига қарамай, айни пайтда аҳолига обиҳаёт етказиб беришни янада яхшилаш, эскирган тармоқларни таъмирлаш ишларини қизгин давом эттирмоқдамиз.

Маҳаллада яна бир хизмат турининг намунали йўлга қўйилгани бизни қувонтирди. Таъкидлаш жоизки, китоб савдосини ташкил қилиш кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий дунёсини ўстиришнинг бош омилларидан. «Ўздавкитобсавдо» масъулияти чекланган жамиятнинг мазкур маҳаллада жойлашган филиали бугунги кунда нафақат маҳалла, балки туман китобсеварларининг илм-маърифат ва маънавият масканига айланган. Президент китоблари, бадиий адабиётлар, турли соҳаларга оид қўлланмалар, тарихий асарлар, энциклопедиялар тўплами аҳолига бееминнат ва ҳамёнбоп нархларда етказиб берилаётган дўконнинг умумий айланма маблағи 22 миллион сўмдан зиёдни ташкил этади.

Ҳа, бу гал Қорақалпоғистоннинг олис ҳудуди — Амударё туманининг бугунги қиёфасига бир қур назар ташладик. Энг улуғ ва энг азиз байрамимиз арафасида аҳоли турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган хизматлар ҳудуддаги иқтисодий ва маънавий тараққиёт манзараларига ҳам бевосита дахлдорлиги, эл-юрт корига камарбасталарнинг кўпаяётгани, янгидан-янги хизмат турлари ва интилувчан тадбиркорлар авлодининг шаклланиб келаётгани эса, мамлакатнинг ёрқин истиқболидан нишона.

Ю.ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

# Шижоат ташаббусга ундайди




**Юртимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имконият ва имтиёзлар яратилаётгани нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, балки кишилар даромадини оширишда ҳам муҳим омил бўлмоқда. Бу борада аниқ режа-мақсадлар мажмуи — йил дастурлари алоҳида аҳамият касб этаётир.**

«Обод тумуш йили» Давлат дастурида маҳаллалар ҳудудида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи хусусий тадбиркорлар, яъни сартарошлар, тикувчилар, пойабзал, маиший ҳамда оргтехника таъмирловчилар ва бошқаларга солиқ имтиёзлари берилганини ҳисобга олган ҳолда янги иш ўринлари яратиш дастурини амалга ошириш белгиланган.

Шунингдек, Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш мақсадида янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиши хусусидаги 17-модда киритилди.

— Барча фуқаролар йиғинлари ҳузурида Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиялар фаолият кўрсатмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навбаҳор тумани бўлинмаси раиси Малик Мамиқов. — Комиссия аъзолари туман ҳокимлиги ҳамда «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлар тўғрисида тарғибот ишлари олиб боряпти. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими ташаббуси билан Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да тижорат банклари мутахассислари билан учрашув ташкил этилди. Мазкур тадбирда тадбиркорлар, барча туман ва шаҳарлардаги маҳаллалардан оилавий бизнесни йўлга қўйиш истагидаги фуқаролар иштирок этишди. Учрашув кўпчилик учун жуда фойдали бўлди.

Тадбир давомида тижорат банкларининг кредит бериш шартлари, кредит муддати ва гаров кафолатлари ҳамда бизнес режа тузишдан хабардор бўлган иштирокчилар айни пайтда бирин-кетин ўз фаолиятларини йўлга қўйишмоқда.

— Чеварлигим боис кўплаб мижозларим билан тез-тез суҳбатлашардим, — дейди Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Гулшан Олтинова. — Баъзида кимдир ишсиз зерикиши, ким эса рўзғоридаги етишмовчиликлардан гапирарди. Бу эса мени ташаббусга, қишлоқ аёлларига ёрдам беришга ундади. Йиғин ҳузуридаги тегишли комиссия аъзоларининг кўмагида «Туронбанк»нинг Навоий шаҳар филиалидан 32,5 миллион сўм кредит ва маҳалламиздан жой ажратилди. Банк маблағига Хитойнинг «Jace» компаниясидан тикув дастгоҳлари олиб келиб, трикотаж кийим-кечаклар, коржомалар ҳамда кўрпа-ёстиқ жилдлари тикишни йўлга қўйдим.

Айни пайтда Гулшан Олтинова раҳбарлик қилаётган «Афросиёб гулшани» корхонасида 15 нафар хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Уларнинг 10 нафари тадбиркор таҳсил олган касб-ҳунар коллежининг битирувчиларидир.

Янгийўл қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли Гулшан Олтиновага «қўлигул тикувчи» дея таъриф беради. Йиғин ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссиянинг саъй-ҳаракатлари билан оилавий бизнеснинг тобора равнақ топаётганини ана шу ишбилармон аёл мисолида кўриш мумкин.

Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

СИЗНИ ҚИЗИҚТИРГАН САВОЛ

# Солиқ тўлаш мажбурияти ва жавобгарлик

САВОЛ: *Мамлакатимизда тадбиркорлар учун катта имконият ва имтиёзлар яратилган. Айниқса, ёш ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳалари доимо қўллаб-қувватланаётир. Бундан фойдаланиб, мен ҳам оилавий тадбиркорлик асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман.*

*Ҳурматли таҳририят, юртимиздаги солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари, тадбиркорлар учун қандай солиқ имтиёзлари ва мажбуриятлар белгиланганини хусусида маълумот берсангиз.*

Тўрабек ЙЎЛДОШЕВ.
Пахтачи тумани.

ЖАВОБ: Давлат бюджети даромадлари солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши давлатнинг иқтисодий-ижтимоий вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбур экани белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси мазкур соҳадаги асосий қонун ҳужжатидир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар фақат ушбу кодекс билан белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Кодексда солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари, солиқ мажбуриятларини бажариш тартиби ва мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари ҳам акс эттирилган. Ҳар бир фуқаро ўзининг солиқ мажбуриятларини ҳамда ҳуқуқларини яхши билиши муҳим. Қонунни билмаслик ҳеч кимни жавобгарликдан озод этмайди.

Солиқ кодексининг тегишли бандлари талабларига мувофиқ, ҳар бир солиқ тури қуйидаги элементларга эга бўлган тақдирдагина белгиланган деб ҳисобланади: солиқ солиш объекти, солиқ солинадиган база, ставка, ҳисоблаб чиқариш тартиби, солиқ даври, солиқ ҳисоботини тақдим этиш тартиби, тўлаш механизми. Кўрсатиб ўтилган элементлар ҳар бир солиқ тури учун алоҳида белгилаб қўйилган бўлиб, уларни тўғри қўллай олиш зарур.

Ҳар бир солиқ тўловчи давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши, солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши (тадбиркорлик субъектлари учун), солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Солиққа оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун нафақат Солиқ кодексида, балки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, шунингдек, Жиноят кодексида ҳам тегишли жавобгарлик кўрсатиб ўтилган.

Жисмоний шахсларнинг солиқ жавобгарлиги 16 ёшдан бошлаб пайдо бўлади. Агар жисмоний шахс содир этган солиққа оид ҳуқуқбузарликда Жиноят кодексида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаса, Солиқ кодексида назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади. Якка тадбиркор бир вақтнинг ўзида ҳам солиқ жаримасига, ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Алоҳида ташкилотнинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилиши тегишли асослар мавжуд бўлган тақдирда, унинг мансабдор шахсларини маъмурий, жиноий ва бошқа жавобгарликдан озод этмайди.

Қонунда кўрсатилишича, фуқаролар ёки ташкилотлар солиқ жавобгарлигига тортилгани солиқларни тўлаш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ойбек ҲАКИМОВ,
ҳуқуқшунос.

ҚУЛАЙЛИК

# Йўловчилар мамнун

*«Қорақалпоқ» қишлоқ фуқаролар йиғини Пешку туманининг олис чўл ҳудуди билан туташ энг чекка аҳоли пунктларидан саналади.*

Шу пайтгача йиғинга қарашли 13 та қишлоқ аҳлининг биргина туман марказига бориши учун иккита ёки учта транспорт воситасига чиқишига тўғри келарди. Яқинда қишлоқ аҳлининг нафақат туман, балки вилоят марказигача бўлган қатнови яхшиланди. Эндиликда улар битта транспорт орқали Бухоро шаҳрига ҳам бориш имкониятига эга.

Гап шундаки, «Пешкуавтожамланма» хусусий корхонаси томонидан «Янгиобод — Хўжа — Пешку — Бухоро» қатнов йўналиши ташкил этилиб, у янги харид қилинган «Исузу» русумли автобус билан таъминланди.

Тез орада корхона томонидан аҳолига янада кўпроқ енгилликлар яратиш мақсадида туманнинг бошқа маҳаллаларидан Бухоро шаҳри ҳамда вилоятнинг Ғиждувон, Вобкент, Ромитан туманларига тўғридан-тўғри автобус қатнови ҳам ташкил этилади.

Акбар РУСТАМОВ
«Mahalla»

БУНЁДКОРЛИК

# «Гулшан»да шинам ҳовлилар

*Хива туманидаги Дошёқ қишлоғининг «Гулшан» маҳалласида 80 та замонавий лойиҳа асосида қурилаётган ҳовли-жой Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.*

— Хива шаҳрини обод қилиш бош режасига мувофиқ «Мевастон», «Ичонқалъа», «Калта минор», «Каптархона» маҳаллаларидаги эски уйларда яшаётган оилаларга биринчи навбатда мана шу қурилаётган янги уй-жойлар имтиёзли равишда топширилади, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хива тумани бўлинмаси раиси Баҳодир Каримов. — Кенг миқёсда олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида «Хивабинокурилиш», «Хоразмтаъмирқурилиш», «Кенагасқурилиш-монтаж» каби ўндан ортиқ қурилиш ташкилотлари билан бирга маҳаллалардаги қурувчилик касби сир-асрорларидан хабардор кишилар ҳам қатнашмоқдалар. Бу ерда минг нафардан зиёд қурувчи меҳнат қиляпти.

Дошёқ қишлоғидаги ҳовли тўйлари энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналарига уланмоқда.

Абдулла САФОЕВ
«Mahalla»

МАҲАЛЛА ТАДБИРКОРИ

# ИШБИЛАРМОН АЁЛНИНГ РЎЗҒОРИ БУТ, ТУРМУШИ ОБОД

**Маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, соҳани қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор натижасида мамлакатимиз ялпи маҳсулоти таркибида мазкур тармоқнинг улуши тобора ортиб бораётир.**




Тадбиркорлар орасида, айниқса, хотин-қизларнинг сафи кун сайин кенгаяётгани ўзбек аёлларининг шарм-ҳаё, фаҳм-фаросатдагина эмас, ишчанлик ва илму маърифат бобида ҳам беназир эканликларини намоён этмоқда.

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри «Қоривот» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Файзинисо Шукурова бир неча йил бурун «Зебо» хусусий корхонасини ташкил этган эди. Сўнгги йилларда ушбу соҳага янада кенг йўл очилгани, қулай инвестициявий муҳит ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг қонуний кафолатлари ишбилармон аёлни янги марралар сари чорлади. Унинг «Микрокредитбанк»дан 25 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, фаолиятини янада кенгайтириш борасидаги истаги маҳалла фуқаролар йиғини фаолларига маъқул келди.

— Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда фуқаролар йиғинлари тегишли ҳудуддаги тадбиркорлик фаолияти субъектларига, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектларига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, преференциялардан фойдаланишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида кредит олиш учун тегишли ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашиши қатъий белгиланган, — дейди Каттақўрғон шаҳар «Қориравот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зайниддин Эгамов. — Шундан келиб чиқиб, ҳудудимиздаги ҳунарманд ва ишбилармонларга ваколатларимиз доирасида амалий ёрдам кўрсатаётирмиз. Ф.Шукурова ҳам шулар жумласидан. Хайрли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш натижасида бугун «Қориравот»да ҳунарманд-тадбиркорлар сафи кенгайди, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланди, ишсизлик муаммоси сезиларли даражада камайди.

Тадбиркор аёлга банкнинг кам фоизли кредити жуда қўл келди. Ушбу маблағ эвазига у яна ўн бешта иш ўрни ташкил этишни режалаштирган. Корхонада намунали амалиёт ўтаган 5 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси билан меҳнат шартномаси тузгани, уларга ҳалол меҳнатдан завқланиш, келажакда улкан орзу-мақсадлар сари интилиш туйғусини ҳам бахш этди.

— Айни пайтда корхонамизда 35 нафар аёл меҳнат қилиб, оиласи бюджетига даромад қўшмоқда, — дейди тадбиркор. — Асосан, аҳолига маиший хизматлар кўрсатамиз. Ташкилотлар буюртмаси асосида махсус иш кийимлари, қўлқоплар, чойшаб ва пардалар тайёрланади. Ишчиларимиз маҳоратли, уларнинг тажрибалари муттасил ошиб бораётир. Шу боис аҳолидан ҳам турли хилдаги буюртмалар тушмоқда. Келгусида ишчилар сонини 10 нафарга кўпайтириб, фаолиятимизни кенгайтирмоқчимиз. Президентимиз томонидан тадбиркорларга, айниқса, мен каби аёлларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва рағбатдан куч оламан. Зеро, аёл севимли иши билан шуғулланса, унга ишонишса, қўллаб-қувватлашса, оилаларда бахт-саодат ҳукм суради, жамият фаровон бўлади.

Дарҳақиқат, ҳар бир маҳалланинг Файзинисо Шукурова каби тадбиркор ва ташаббускор аёллари бисёр. Қувонарлиси, улар фаолиятининг кенгайиб, муваффақиятларининг ортиши жонажон маҳалласи учун ҳам кони фойдадир. Жумладан, Ф.Шукурова «Қориравот»даги кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтожлардан ёрдамини аямайди. Маҳалла фуқаролар йиғинларининг кўмаги эса аёлларга ўз кучи ва салоҳиятига ишонч уйғотиб, атрофдагилар билан самарали ишбилармонлик мулоқотини ўрнатиш, тадбиркорлик қобилиятини тўлақонли намоён қилиш ва фаровон турмуш кечириш учун туртки бераётир.

Гулҳаёт ҲОЖИЕВА.

МАСЛАҲАТЧИ ФАОЛИЯТИДАН

# АЁЛ ГЎЗАЛЛИГИ ОЛАМНИ БЕЗАР


Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

< [1]

Бугун «Чинор» маҳалласида 2500 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шулардан 1600 нафари аёллар, 600 дан зиёди ёшлардир. Малика Солижонова йиғиндаги хотин-қизларнинг бирига опа, бошқасига сингил бўлиб, доимий равишда маънавий тарғибот ишларини олиб бораётир. Хусусан, унинг ташаббуси билан туман хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, тиббиёт бирлашмаси, диний идоралар вакили, таълим муассасалари ходимлари иштирокида маҳаллада ҳар ой «Аёл гўзаллиги оламни безар» номли тадбир ўтказилади. Унга маҳаллададаги нуроний онахонлар, кўчабошилар, уй бекалари ва ёш оила вакиллари таклиф этилади.

Йиғинда хотин-қизлар орасида турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олиш борасида тарғибот-тушунтириш ишларини уюштириш баробарида аёллар ва вояга етган қизларнинг иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор қаратилган.

— Ҳудудимизда қандолат цехи фаолият юритади, — дейди М.Солижонова. — Ушбу цехда уй бекалари ҳамда қизларимиз меҳнат қилишади. Бундан ташқари, маҳалламизда 6 та оила касаначилик билан шуғулланади. Хонадонларда ёшларнинг ҳунар ўрганишлари учун қўшимча шарт-шароитлар яратиб берганмиз. Шунингдек, йиғинимиз қошида «Моҳир қўллар» тўгараги ташкил этилган. Бу ерда саккиз ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган қизлар тикувчилик сирларини ўрганишмоқда.

Мазкур маҳаллада 625 та оила истиқомат қилади. Малика опа ҳар бир оилага ташриф буюриб, у ердаги муҳит билан яқиндан танишади. Муаммолари бўлса, йиғин фаоллари билан биргаликда ҳал этади. Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида сўнги пайтда оилавий ажримлар сони қайд этилмаган. Хонадонларда хотиржамлик, маҳаллада осойишталик ҳукм сурмоқда.

— Яқинда «Одам савдоси — олам ғавғоси» шиори остида тадбир ўтказдик, — дея сўзини давом эттирди Малика Солижонова. — Ушбу тадбирга ҳудуд профилактика нозири, йиғинимиз ҳамда қўшни маҳаллаларнинг фаолларини таклиф этдик. Тадбирда хорижда алданиб қолаётган кишиларнинг аянчли тақдири тасвирга туширилган видеороликларни ёшларимизга намойиш этдик. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ана шундай маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этиб турамиз.

Тажрибамизнинг ўзига хос томони шундаки, маҳалламизда ким қиз узатяпти, ким ўғил уйлантиряпти — буни билиш мақсадида кўчабошилар ёрдамида дафтар юритилади. Шунга қараб, турмуш қураётган йигит ёки қиз вояга етмаган, эрта турмуш қураётган бўлса, дарҳол тўйни тўхтатамиз. Бундан ташқари, «Тўйларимиз миллий қадриятларимизга мос бўлсин!», шиори остида амалга оширилаётган ишларимиз ҳам зое кетаётгани йўқ. Айни пайтда фаолларимиз тўй-маросимларни ихчам тарзда ўтказиш бўйича тарғибот ишлари олиб боришаётир.

Дарвоқе, шу кунларда мазкур маҳаллада «Энг файзли хонадон» танловини ўтказиш режалаштирилган. Бу ҳам маслаҳатчининг ҳудудда оилалар тотувлиги, турмуш фаровонлиги, тиббий маданиятни шакллантириш йўлидаги илғор ташаббусларидан саналади. Буларнинг барчаси жамиятимизда маҳалла институтининг моҳиятини кенгайтириш ва нуфузини янада оширишга хизмат қилади.

Иброҳим БЕК
«Mahalla»

РАМАЗОН ҲИКМАТИ

# КЎНГИЛ КЎНГИЛГА МАЛҲАМ

**Ҳикматхон ая Исроилова узоқ йиллар тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатиб, бугунги кунда кексалик гаштини сурмоқда.**

Янгиқўрғон туманидаги Истиқлол қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Юқори Қораянтоқ» маҳалласида истиқомат қилаётган меҳнат фахрийси автоҳалокат туфайли саломатлигини йўқотди. Кексайганда аяни ёлғизлатиб қўймаслик учун қўни-қўшни, собиқ ҳамкасблар хабар олиб туришибди. Муборак Рамазон ойида уни йўқловчилар сони янада кўпайди. Айниқса, ушбу хонадонга «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Муқаддам Муродова бошчилигидаги бир гуруҳ фаолларнинг кириб келиши бемор аёлни тўлқинлантириб юборди. Ҳикматхон ая хаста ётган жойида улардан миннатдор бўлиб, дуога қўл очар экан, улуғ айём арафасида Яратгандан юртимиз тинчлигини, ҳаётимиз фаровонлигини, фарзандлар камолини сўради.

Шу куни фонд вакиллари тумандаги яна ўнлаб хонадонга ташриф буюриб, якка-ёлғиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват ёрдамлари кўрсатишди. Туман марказидаги «Фаввора» чойхонасида ташкил этилган ифторлик дастурхонига эса 250 дан зиёд ана шундай инсонлар таклиф этилди.

— Шундай фараҳбахш кунларда туманимиз раҳбарларининг, айниқса, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси вакилларининг эшигимдан кириб келгани, совға-саломлар улашгани қалбимни чексиз қувончга тўлдирди, — дейди Нанай қишлоғидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Саодатхон опа Болтабоева. — Ёшим етмишга яқинлашиб қолди. Кексайганда боқувчимни йўқотиб, бироз тушкунликка тушгандим. Маҳалладошларим, қариндош-уруғлар бор экан, ёлғизлатиб қўйишмаяпти. Бир умр далада меҳнат қилганман. Маҳаллада, туманда ҳурматим бор экан. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси раиси Муқаддам Муродова бошчилигидаги меҳмонлар ташрифидан сўнг, шунчалик қадрлаб, йўқлаб келганларидан қувондим.

Меҳр-мурувват, хайр-саховат ойи ҳисобланган Рамазон муносабати билан бу каби тадбирлар Наманган вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бўлим ва бўлинмалари жамоат ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда аниқ режа асосида якка-ёлғизлар, боқувчисини йўқотган оилалар, ногирон ва беморлар, шунингдек, уруш ҳамда меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олишмоқда. Зеро, аждодлардан мерос бу каби эзгу қадриятлар замирида халқимизга хос инсонпарварлик, саховатпешалик фазилатлари мужассам.

Жамшид БЕК
«Mahalla»

# Дунё бўйлаб

## Сув тошқини

☑ **Афғонистонда кучли ёғингарчилик оқибатида сув тошқинлари рўй берди.**



Табиий офат оқибатида, асосан, Қобул ва унинг атрофидаги шаҳарлар азият чекиб, бу ерда ўнлаб уйлар вайрон бўлган, 70 нафардан ортиқ киши вафот этган.

Шунингдек, сув тошқини шарқий вилоятлар Нуристон ва Хостга ҳам зарар етказди. Об-ҳавони кузатиш соҳаси вакилларининг маълумотларига кўра, шу ҳафтада Афғонистон ва Покистонда ёмғирлар тинмайди.

## Сут маҳсулотида зарарли бактериялар

☑ **Янги Зеландиядаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи машҳур «Fonterra» компаниясининг айрим маҳсулотларида ботулизм касаллигини келтириб чиқарадиган «Clostridium botulinum» номли бактерия мавжудлиги аниқланган.**




Компания маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин камайиши натижасида ҳозирданоқ баъзи йирик фирмалар шартномаларини бекор қилган.

Компания ўз номини оқлаш мақсадида маҳсулотларини мутахассислар томонидан текширувга ва ўрганиб чиқишга қўйди.

## Гигант чақалоқ

☑ **Германияда рекорд ўлчамдаги гигант бола туғилди. Жослин исми берилган қизчанинг вазни 6,15 кг.ни, бўйи 57,5 сантиметрни ташкил этди.**



Шифокорларнинг қайд этишича, қизалоқнинг вазни оддий чақалоқларникидан деярли икки баробар зиёд бўлиб, Жослиннинг онаси диабет билан касалланган учун у шундай вазн билан туғилган. Бироқ Германияда рекорд ўрнатган Жослинга жаҳон рекордини ўрнатиш учун 4,5 килограмм вазн камлик қилди.

Интернет маълумотлари асосида
Нилуфар ЮНУСОВА тайёрлади.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ — 2013»

# Ёш истеъдодлар кўриги


Н.ХАЙДАРОВ олган сурат.

*«Футболимиз келажаги» республика кубоги мусобақаларининг минтақавий босқичи доирасида «С» гуруҳи учрашувлари якунланди.*

Тошкент шаҳри мезбонлик қилган мазкур беллашувларда пойтахтликлардан ташқари, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилояти босқичида ғолиб чиққан жамоалар мусобақанинг финал босқичига бериладиган йўлланма учун кураш олиб боришди.

Энг кичик ёш тоифаси ҳисобланган 9-10 ёшли болалар ўртасидаги баҳсларда ғолиблик Тошкент вилояти Бекобод шаҳридаги «Янги ҳаёт» маҳалласи жамоасига насиб этди. 11-12 ёшлилар ўртасидаги учрашувларда эса пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласи ёшларига тенг келадиган рақиб топилмади. Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Мирзачўл қишлоқ фуқаролар йиғини вакиллари 13-14 ёшдагилар ўртасидаги беллашувларда биринчи ўринни эгаллашди.

Учрашувлар якунида жамоалар медаллар ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ярим ҳимоячи» ва «Энг яхши ҳужумчи»ларга аталган совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

Элбек ЖУМАНОВ
«Mahalla»

ТАРАДДУД

# Болаларга байрам туҳфаси

*Самарқанд шаҳридаги «Боғи баланд» маҳалласи фаоллари энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида болажонларимиз учун ажойиб туҳфа ҳозирлашди.*

Маҳалла аҳли ва ҳомийлар кўмагида ҳудудда 2 та болалар майдончаси барпо этилди ва яна 3 та майдонча замон талаблари асосида таъмирдан чиқарилди. Улардаги мавжуд шароитлар яхшиланиб, эски жиҳозлар ўрнига болалар учун мустаҳкам ва хавфсиз аттракционлар ўрнатилди.

— Бугунги кунда 700 га яқин оила истиқомат қилаётган маҳалламиз ҳудудида 14 та кўпқаватли уй мавжуд, — дейди маҳалла раиси Қаҳрамон Собиров. — Ҳудудимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва болаларнинг спорт билан шуғулланишлари учун етарлича имкониятлар яратиб берилаётир. Бунда тадбиркорларимизнинг кўмаги катта бўляпти. Хусусан, О.Файзуллаевнинг ҳомийлигида кўпқаватли уйлар олдида янги болалар майдончалари барпо этилмоқда.

Айтиш кераккки, маҳалладаги спорт зали ва кичик футбол майдони ҳам ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга хизмат қилмоқда.

Илҳом ЖЎРАЕВ.

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

қуйидаги миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

«ФАРОВОН ТУРМУШ»
(миллий валютада)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

«ИШОНЧЛИ»
(АҚШ долларида)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «АСАКА» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!

Хизматлар лицензияланган.

Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви

Mahalla
ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий газета

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Телефонлар:
236-53-93 233-39-89
236-53-75 236-57-62
Факс: 233-10-73

ISSN 2010-7013

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди.
Формати — А-2, 4 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Л.Мейликов
Мусаҳҳиҳ: Н.Азимова
Навбатчи: У.Узоқова
Нашр навбатчиси: И.Раҳматов
Нашр кўрсаткичи: 148

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси 32-уй
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

19135 нусхада чоп этилди. Буюртма J-7759 Топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.00